



ORGANIZATION BUDGET ACCOUNTING FOR LABOR CHARACTERISTICS OF THE ORGANIZATION

Isaqlulov Fazliddin Shamsiddin ugli

Researcher of Tashkent State University of Economics., Uzbekistan

Annotation: This article examines the processes of payment of wages in budget organizations and the establishment of its regulatory and legal basis, the procedure for determining its organizational basis, and the issues of improving the calculation of labor wages. As a result of the research, a scientific proposal and practical recommendations were developed.

Key words: salary, reward, tax payments, tariff set, tariff rate, lump sum account, types of pension, executive forms.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МЕҲНАТ ҲАҚИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Исоқулов Фазлиддин Шамсиддин ўғли
ТДИУ магистратура талабаси

Аннотация-Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрий –ҳуқуқий асосларини ташкил этиш жараёнлари ҳамда унинг ташкилий асосларини белгилаш тартиби,меҳнат ҳақи ҳисобини такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Изланишлар натижасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар-иш ҳақи, мукофот,солиқ тўловлари,тариф сеткаси,тариф ставкаси, бўнак ҳисоби,нафақа турлари, ижро варақалари.

Бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш, ушлаб қолиш ва тўлаш (хо димлар билан иш ҳақи бўйича, ижтимоий суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар, шунингдек, ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар) бўйича бухгалтерия ҳисоби операциялари (бухгалтерия ўтказмалари корреспонденцияси) юзасидан кўплаб англашилмовчиликлар мавжуд. Ушбу англашилмовчиликларни бартараф қилиш учун иш ҳақи ҳисобларини ва бу борада амалга ошириладиган бухгалтерия проводкала рини таҳлил қилиш масалани ойдинлаштиришга методологик жиҳатдан кўмакберилади.



Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига биноан ходим ва хизматчиларга иш ҳақи бир ойда камида бир марта берилади. Айрим ҳолларда ходимларнинг алоҳида категориялари учун Ўзбекистон Хукумати томонидан иш ҳақи тўлаш бўйича бошқа муддатлар белгиланиши мумкин.

Ходимларга тегишли иш ҳақи, мукофот, нафақалар ҳисоблашни амалга ошириш билан бир вақтда бу суммалар хўжалик субъекти бухгалтериясида тегишли регистрларда ҳисобга олиб борилади.

Ойнинг биринчи ярмида иш ҳақи ҳисоблашнинг бўнакли ва бўнаксиз тартиби қўлланилади. Биринчи ҳолда ходимга бўнак берилиб ойнинг иккинчи ярмига иш ҳақи тўланишда пировард ҳисоб қилинади. Жамоа шартномасини тузишда бўнак миқдори иш берувчи билан келишиб олинади. Бўнакнинг минимал миқдори табелга биноан ходимнинг ишлаган вақти бўйича тариф ставкасидан кам бўлмаслиги керак.

Бўнақлар оклад еки тариф ставкасининг, солиқ чиқарилгандан кейин, 40-50 фоизи миқдорида ҳисобланади.

Ходим ва хизматчилар билан ҳисоблашни расмийлаштириш учун фойдаланиладиган ҳужжат бўлиб ҳисоблаш қайдномаси ҳисобланади. Қуйидаги дастлабки ҳужжатлар иш ҳақи ҳисоблаш қайдномаси ва ҳисоблаш варақаларини тузиш учун асос бўлиб ҳисобланади:

- иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табели асосида фойдаланилган вақт ётадиган вақтбай иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланилади (бекор туришлар, тунги ва иш вақтидан ортиқ ишлагани, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотгани ва шу қабилар учун тўланадиган ҳақ);

- барча турдаги қўшимча ҳақ ва вақтинчалик иш қобилиятини йўқотгани бўйича нафақалар ҳисоблаш бухгалтерия ҳисоби;

- ўтган ой бўйича ҳисоблаш қайдномалари солиқ ушланмалар суммасини ҳисоблаш учун;

- ижро варақалари бўйича ушлаб қолиш учун суд органларининг қарорлари;

- ойнинг биринчи ярми учун бўнак бериш бўйича тўлов қайдномалари;

- режасиз бўнақлар бериш бўйича касса-чиқим ордерлари ва х.к.

Ҳисоблаш қайдномаси аналитик ҳисоб регистри бўлиб ҳисобланади, чунки у ҳар бир табел номери, цехлар ходимлар категориялари, тўлов ва ушланмалар турлари бўйича тузилади.

Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб жараёнида ходимларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари муҳим аҳамият касб этади. Ходимлардан даромад солиғи календар йили бошидан асосий иш жойидан олинadиган иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳар ойда йил бошидан ўсиб боровчи яқун билан солиқ солинадиган ялпи даромад суммасидан ушлаб қолинади.

Ходим йил давомида асосий иш жойини ўзгартирган тақдирда янги иш жойидаги бухгалтерияга жорий йилда махсус шаклда тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига, Бандликка қўмаклашиш фонди ва Касаба уюшмалари федерация кенгашига мажбурий бадалларни тўловчилар ҳисобланади. Бундан ташқари, ёлланиб ишлайдиган фуқораларнинг мажбурий суғурта бадалларини ҳисоблаб ёзиш ва ушлаб қолиш мажбурияти, ҳисоблашнинг тўғри бўлиши учун маъулият уларнинг зиммасига юклатилади.

Хўжалик субъектида бухгалтерия ҳисоби эса меҳнат ҳақининг амалиётда қилинган меҳнат харажатлари миқдори ва сифатига, амалдаги меҳнат ҳақи шакли ва тизимига кўра ва



меҳнат ҳақидан ажратмалар ва ушланмаларни тўғри ҳисобланишини, меҳнат интизомини, ходимларнинг иш вақтидан фойдаланишини, ишлаб чиқариш нормаларнинг бажарилишини, келгусида меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида захираларни аниқлашда, меҳнат ҳақи фонди харажатларининг назоратини таминлаш, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари фондларга ва ижтимоий суғурта ажратмаларини тўғри ҳисобланишини ва йўналишлар бўйича тақсимланишини таминлаб беради.

Хулоса қилганимизда, бюджет ташкилотларида меҳнат ҳақини ҳисоблашда муҳим жараёнлардан бири бу меҳнат ҳақини дастлабки ва йиғма ҳужжатларда қайд қилиниб борилишидир. Шунингдек, меҳнат ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича синтетик ҳисобини тўғри ва аниқ юритилишини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб академик лицейлар йўналишлари ва блокларига қараб бир педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг чекланган нормативи 1:12 нисбатда белгиланиш тартиби жорий этилгани сабабли:

а) академик лицейларда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш ўқув йилида 200 соатдан ортиқ бўлмаган ҳажмда:

академик лицей штатидаги педагоглар ҳамда раҳбар ходимларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бажарилган ўқув ишлари учун;

бошқа ташкилотлардан жалб этиладиган педагоглар ва бошқа ходимлар ўқув ишлари учун ҳақ тўлаш;

б) ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори қонун ҳужжатларида мувофиқ белгиланиши;

ўқув йили мобайнида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида 200 соатгача педагогик ишларни бажариш ўриндошлик ҳисобланмаслиги;

в) академик лицейларда ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш маблағлари академик лицейнинг меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўтказиладиган ўқув ишлари қутилиётган ҳажмига кўра, штатдаги педагоглар ва бошқа ходимлар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш фонди 4 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда, бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларида назарда тутилиши;

г) ўқув юқламасини бажариш учун штатдаги педагоглар ва ходимлар таркибига шахсларни жалб этиш имконияти бўлмаган айрим ҳолатларда, академик лицейларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда харажатлар сметаларида педагоглар ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун назарда тутилган маблағлар доирасида ўқув ишларини меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўтказиш учун шахсларни жалб этиш ҳуқуқлари берилди. Низомга мувофиқ, таълим муассасасида ўқув-тарбия жараёни самарадорлиги ва сифатини оширишни рағбатлантириш, педагог ва бошқа тоифадаги (барча лавозимдаги) ходимларга ҳар ойлик устама белгилаш, мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш, бунда педагог ва бошқа тоифадаги ходимлар лавозим маошига ҳар ойлик устама белгилаш, мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш академик лицейлар педагог ва бошқа тоифадаги ходимларининг таълим муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришгани учун ҳамда республикада нишонланадиган байрам саналари муносабати билан уларга календар йили давомида жами икки лавозим маошидан ортиқ миқдорда мукофот пули тўлаш ишчи гуруҳи томонидан (жамоатчилик фикри ва шаффофлик йўли билан) амалга оширилиши белгиланди. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳузурида академик лицей мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ректорлари ва



филиаллар директорларининг академик лицейлар фаолиятига оид талаб ва таклифлари ўрганилгани айтилади.

Қайд этилишича, қарорга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг қабул қилиниши академик лицейларда ўқитиш билан боғлиқ таълим сифатини оширишга, педагоглар ва ходимларнинг муассаса ривожига қўшган ҳиссасига қараб меҳнатига муносиб ҳақ тўлашга хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш ҳамда бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Давлат молиявий назорати инспекцияси юридик шахс мақомига эга ва давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга оширишни автоматлаштириш мақсадида

2022 йил 1 майдан бошлаб бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ходимларнинг банк пластик карталарига ўтказиш учун ходимлар рўйхати (давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сири ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно) Молия вазирлигининг ахборот тизимидан Марказий банкнинг ахборот тизими орқали тегишли тижорат банкнинг ахборот тизимида фақат автоматлаштирилган тарзда электрон шаклда юборилади.

2023 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотларининг бюджет сўровлари, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини қоғоз шаклида расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади ҳамда уларни тўлиқ электрон шаклда расмийлаштириш тартиби жорий этилади, бундан давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сири ташкил этувчи маълумотлар мустасно. Бундай қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришларнинг амалиётга жорий этилиши бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини янада такомиллаштиришга асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рахимов, А. А., & Хасанов, Б. А. (2016). Принципы и формы организации внутреннего аудита в микрокредитных организациях Узбекистана. *European science*, (10 (20)), 14-19.
2. Хасанов, Б. А., & Хасанова, Р. Б. (2016). Анализ вероятности банкротства хлопкоочистительных предприятий в условиях модернизации экономики. *Экономика и управление: проблемы, тенденции, перспективы развития* (203-207ст.).
3. Хасанов, Б. А., & Кенжаева, Ф. С. (2021). Бошқарув ҳисобида маҳсулот таннархини аниқлашга корхоналарни технологик хусусиятларининг таъсири. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
4. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография.
5. Хасанов, Б.). Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. *Архив научных исследований*, (2022. 4(1).